

«Дахшат» жанрида ижод киладиган хар бир ёзувчи тириклайин кўмилганлар ва мехмонхонадаги арвохлар жойлашган хона хакида камида битта хикоя ёзиши шарт. Куйидаги хикоя менинг ушбу йўналишдаги хикояларимдан бири. Унинг галатилиги шундаки, мен бу хикояни мантикан якунламокчи эмасдим. «Китоб кандай ёзилади» деган «дарслигим»га шунчаки илова сифатида уч-тўрт саҳифа ёзиб, ўқувчиларга хикоя кандай ёзилишини кўрсатмокчи эдим. Асосийси, асар ёзаётганимда нималарга эътибор беришимни мисол билан кўрсатишни истагандим. Аммо ёкимли воқеа юз берди: хикоя мени ўзига жалб этди ва уни охиригача ёзиб тугатдим. Уни ёзарканман, бу хикоя мени кўрkitди. Дастлаб у «Кон ва тутун» деб номланган аудиокитобнинг бир қисми сифатида пайдо бўлди ва кўлёмзадан кўра кўпроқ дахшатга солди. Ўлгудек кўрқдим. Аммо мехмонхоналардаги хоналар ракамлари ўз-ўзидан кўрқув хиссини уйғотади, шундай эмасми? Хонага кадам кўяр экансан, беихтиёр саволлар гирдобида коласан. «Менгача нечта одам бу хонада ётган экан? Уларнинг нечтаси касал бўлган? Нечтаси шу хонада ўзини осмокчи бўлган?» Ух-х-х. Келинг, текшириб кўрамиз. Мана сизга калит... ва сиз шошмасдан бу тўртта ракамнинг жами йигиндиси кайси сонни хосил килишини хисоблаб чиқилингиз мумкин.

Мана ўша хона, йўлак охирида.

Майк Энслин айланма эшикни очаркан, залдаги креслолардан бирида ўтирган «Делфин» мехмонхонаси менежери Олинга кўзи тушди. Майкнинг юраги ховликди. «Барибир адвокат билан бирга келишим керак эди», ўйлади у. Нимаям киларди, энди кеч. Агар Олин 1408-хона ёнидаги хоналарни таклиф килса хечкиси йўк. Китобида бир нечта ортикча саҳифа пайдо бўлади.

Олин унга пешвоз чиқиб кўлини узатди. «Делфин» Олтмиш биринчи кўчада, Бешинчи авенюдан бир неча кадам нарида жойлашган, унчалик баланд бўлмаган, лекин кўркам бино эди. Майк кўлидаги кичикрок чамадонни чап кўлига олиб менежерга кўл узатган пайтда бир эркак билан аёл Майкнинг ёнидан етаклашиб ўтишди. Бардан «Кун ва тун» мусикасининг товуши эшитилди.

—Жаноб Энслин. Хайрли кеч.

—Жаноб Олин. Муаммо йўкми?

Олин ўзини йўкотиб кўйди. Худди ёрдам сўраётгандай залга аланглади. Рўйхатга олиш хонаси олдида бир эркак аёли билан кайси хонага жойлашиш масаласини гаплашаётганди.

—Жаноб Олин?-такрорлади Майк.

—Жаноб Энслин... сиз билан хонамда гаплашсак бўладими?

Албатта, нега йўк бўларкан? Бу суҳбат ёзаётган китобининг 1408-хонага багишланган бўлимини тўлдиради, китобхонлар севадиган дахшатни тақдим килади. Бу хали хаммаси эмас. Бу ташрифга жиддий тайёрланган бўлса-да, Майк Энслинда хали тўлик ишонч пайдо бўлмаганди. Мана энди у Олин 1408-хонадан, Майк билан бу тун содир бўладиган воқеадан кўркаётганини кўрди.

—Албатта, жаноб Олин.

Олин Майкнинг чамадонига кўлини чўзди.

—Келинг.

—Йўк, раҳмат,-деди Майк.-Ичида тиш чўтка ва сочикдан бошка нарса йўк.

—Шундайми?

—Ха,-бош силкиди Майк.-Гавайича кўйлагимни кийиб олганман,-у жилмайди.-Хиди арвохларни кувадиган махсус суюклик сепилган.

Олин кулмади. Огир уф тортди.

—Жуда яхши, жаноб Энслин. Ортимдан юринг.

Залда мехмонхона менежери ожиз одамга ўхшаб кўринган, худди кетига тепки еган итни эслатганди. Аммо деворига дуб ёгочлари копланган хонасида («Делфин» 1910 йилда очилганди. Китоби у ҳақдаги маълумотларни киритмаса ҳам чоп этилишини билса-да, Майк эски газета ва журналлардан мехмонхона тарихини ўрганиб чикканди) ўзига ишонган одамга айланди. Полга форс гилами тўшалганди. Стол устида, сигара кутиси олдида яшил кандилли лампа жойлашганди. Сигара кутисининг бу ёнида Энслиннинг учта китоби турарди. «Хўжайин ҳам тайёргарлик кўрибди», ўйлади Майк.

Майк стол олдидаги креслога ўтирди. Олин ҳам унинг ёнидаги креслога ўтирди, оёқларини чалиштирди, сўнг олдинга эгилиб сигара кутисини кўлига олди.

—Сигара чекасизми, жаноб Энслин?

—Рахмат, мен чекмайман.

Олиннинг нигохи унинг ўнг кулогига кистирилган сигаретга кадалди. Аксарият мухбирлар хадеб чўнтак кавлайвермаслик учун шляпаларидаги «Матбуот» деб ёзилган тасмага сигарет кистириб юришарди. Майк ҳам узок вақтлардан буён кулогига сигарет кистириб юргани учун аввалига жаноб Олин каёкка караётганини тушунмади. Кейин эса кулиб кўйди, кулогига кистирилган сигаретни олди ва Олинга каради.

—Тўккиз йилдан бери чекмайман. Акам ўпка ракидан вафот этган. Унинг вафотидан кейин чекишни ташлаганман. Кулогимдаги сигарет эса...-у елкасини кисди,-ҳам хотира, ҳам ирим. Худди гавайича кўйлагим сингари. 1408-хонада чекишга рухсат борми, жаноб Олин? Хар эхтимолга карши билиб кўяй.

—Албатта.

—Жуда яхши,-деди Майк.-Хеч бўлмаса шундан ташвиш килмас эканман.

Жаноб Олин яна уф тортди.

—Сиз хали ҳам мени фикрингиздан воз кечишга кўндиролмайди деб ўйлаяпсизми?-деди у.

—Кўндиролмаслигингизни биламан,-Майк сигаретни кулогига кистирди. У хар куни кечкурун кулогигаги сигаретни ташлаб юбориб, эрталаб янгисини кистирарди. Ташлаб юбораётган сигаретига тикилиб тураркан, у кандай килиб деярли йигирма йил давомида кунига ўттиз-кирк донадан сигарет чекканини тасаввур килолмасди.

Олин стол устида турган китобларни кўлига олди.

—Сиз адашаётганингизга чин дилдан умид киламан.

Майк чамадонини очди. Ичидан «Сони» диктофонини чикарди.

—Сухбатимизни ёзиб олишимга каршимасмиз, жаноб Олин?

Менежер кўлини силтади. Майк ёзув тугмасини босди, кичкинагина кизил чирок ёнди. Тасма айлана бошлади.

Олин бу пайтда китобларнинг номларини овоз чикариб ўкиётганди. Майк Энслин хар сафар бирортасининг кўлида ўзининг китобини кўриб колса турли хис-туйгуларни бошидан кечирарди: фахр, нокулайлик, хайрат, уялиш. Бизнесмен сифатида эса уялмасди: кейинги беш йил давомида уни ёзган китоблари бокиб келаётганди.

Олин унинг китоблари номини овоз чикариб ўқиркан, Майк диктофонни ёкканига афсусланди. Чунки у кейинчалик ёзувни кайта эшитганида Олиннинг овозида нафрат охангини сезишини биларди. У беихтиёр кулогига кистирилган сигаретга кўлини чўзди.

«Арвохли уйда ўтган тўккиз тун», -ўкиди Олин.-«Кабристонда ўтган ўн тун», «Арвохли касрларда ўтган ўн тун», -у Майкка каради ва лабида истехзоли табассум пайдо бўлди.-Бу китобни ёзиш учун Шотландияга боргансиз. Йўлга кетган харажатларингиз хисобига сизнинг тўлайдиган соликларингиз миқдори пасайган, тўгрими? Хуллас, арвохларни овлаш сизнинг бизнесингиз.

—Гапингиз тугадими?

—Бу китоблар сиз учун жудаям кадрлими?

—Ха, кадрли. Аммо китобларимни танкид қилиб мени меҳмонхонадан кетказа олмайсиз...

—Йўк, йўк. Шунчаки кизиқиш. Икки кун олдин, сиз илтимос билан келганингиздан кейин бу китобларни Марсел исми хизматчига айтиб олиб келтирдим.

—Талаб билан, илтимос эмас. Ва хозир ҳам талаб киламан. Жаноб Робертсоннинг гапларини эшитгандирсиз. Нью-Ёрк штати конунига кўра, агар бирор хона бўш бўлсаю мен унга жойлашмоқчи бўлсам, бу талабимни рад қилишга ҳақкингиз йўк. 1408-хона эса бўш. Бу хона доим бўш.

Аммо жаноб Олин «Нью-Ёрк таймс» газетасининг энг кўп сотилган китоблар рўйхатидан жой олган Майкнинг китоблари мавзусидан хали-бери четлашмоқчига ўхшамасди. У китобларни учинчи марта кўздан кечирди. Чирокдан тушган нур ялтирок муковаларда жилоланарди. Муковалар кизил рангда товланарди.

—Шу бугунгача бу китобларни кўргани вақтим бўлмаганди. Иш кўп. Нью-Ёрк микёсида олиб қарайдиган бўлсак, «Делфин» кичкина меҳмонхона, лекин доим банд бўлади ва деярли ҳар бир меҳмон ўзи билан бирор муаммо олиб келади.

—Менга ўхшаб.

Олин жилмайди.

—Айтишим мумкинки, сиз алоҳида бир муаммосиз. Сиз, жаноб Робертсон ва барча таҳдидларингиз ҳам.

Майкка унинг сўзлари ёкмади. У ҳеч кимга таҳдид қилмаганди, агарда жаноб Робертсоннинг ташрифи таҳдид деб хисобланмаса. Ва уни адвокат хизматидан фойдаланишга мажбур қилишди. Худди калити аллақачон йўқолган эски уй эшигини очиш учун болтадан фойдаланишга мажбур бўлган одам сингари.

«Уй сеникимас», деди ичидаги овоз, аммо конун унга бунинг аксини таъкидларди. Конун агар Майк истаса ва банд қилинмаган бўлса, «Делфин» меҳмонхонасидаги 1408-хонага жойлашиши мумкинлигини кўрсатиб турарди.

Майк Олин хали ҳам уни истехзо билан кузатиб турганини хис қилди. У худди Майкнинг кўнглидан кечаётган фикрларни ўқиётгандай эди. У ўзини ноҳуш хис қилди.

—Агар суҳбатимизда бирорта чуқур маъно яширинган бўлса, узр, жаноб Олин, мен бу маънони кўролмаяпман. Бошқа эътирозингиз бўлмаса ва 1408-хонага жойлашишим мумкин бўлса, ижозатингиз билан...

—Мен биттасини ўқидим... Нима деб атайсиз? Киссами? Хикоятми? Вокеа,-деди Олин.-Ҳар бир китобингиздан биттадан вокеани ўқиб чиқдим. «Арвохли уй»дан Канзасдаги Рилсбилар уйи ҳақидагисини...

—Ха. Кимдир Рилсби оиласининг барча олти нафар аъзосини чошиб ташлаган.

—Тўгри. Ва ўз жонига қасд қилган аляскалик севишганлар ҳақидаги вокеани. Одамлар уларнинг арвохларини кўришган экан... ва Гартсби қалъасида ўтказган тунингиз ҳақида. Жудаям кизикарли вокеалар экан.

Майк ҳар қандай мактов ичидан ҳам мазах ёки ижирганиш охангини илгай оларди, аммо

бу сафар мактов чин дилдан айтилганини сезди.

—Рахмат,-деди у диктофонига бир караб олиб.

Олин бармоклари билан китобни чертди.

—Китобингизни охиригача ўкиб чикмокчиман. Ёзиш услубингиз ёкди. Гартсби калъасида ҳеч қандай гайритабиий ходисасиз ўтказган тунингиз хақида ўкиб мирикиб кулдим. Сиз яхши ёзувчи экансиз. Бирок бу китоблар мени ташвишга ҳам солди. Агар китобларингиз билан танишиб чикмаганимда, сизни ҳозир кутмаётган бўлардим. Анави адвокатни кўргач, сиз бу лаънати хонада тунни ўтказмокчи эканлигингизни ва ҳеч ким сизни бу фикрингиздан қайтаролмаслигини тушундим. Аммо китоблар...

Майк диктофонни ўчирди.

—Нима учун бундай нарсаларни қавлаб юришимни билмокчимисиз?

—Менимча, сиз буларнинг барини пул учун қиласиз,-деди Олин.

Майк кизариб кетди.

—Мени бир нарса ташвишлантирди, тўғрироғи, кўрқитди: мен ўзи ёзмокчи бўлган ва ёзган нарсаларига мутлақо ишонмайдиган зиёли, иктидорли инсоннинг китобини ўқидим. «Унчалик эмас», деди ичида Майк. У ўзи ишонадиган ўнлаб ҳикояларни ёзган, аммо бир нечасини чоп этган ҳолос. У ўзи ишонадиган кўплаб шеърларни ёзган. Лекин Канзасдаги ташландик уйда дайдиб юрадиган Южин Рилсбининг бошсиз арвоҳига ишонмайди. У бу уйда бир тунни ўтказган ва сичқонлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмаган. У Влад Тепеснинг Трансилваниядаги қасрида тунни ўтказган, аммо консўрар чивинлардан бошқа нарсага дуч келмаган. Лекин у буларнинг ҳаммасини Олинга айтиб ўтирмокчи эмасди.

—Сиз ҳаксиз, мен арвоҳларга ҳам, шарпаларга ҳам, жинларга ҳам ишонмайман. Шунинг учун бошиданок оддий кузатувчи мақомида иш олиб бораман. Рўпарамдан арвоҳ чикиб қолган тақдирда ҳам бунга ҳолислик билан ёндашаман.

Олин нимадир деди, лекин Майк англамай қолди.

—Тушунмадим?

—«Йўқ» дедим,-деди Олин.

Майк оғир хўрсинди. Олин уни ёлгончи деб ўйлаяпти. Энди фақат иккита йўл бор: ё ҳаммасини айтиш керак ёки бахслашишни тўхтатиш керак.

—Сухбатимизни бошқа қуни давом эттирсак бўлмайми, жаноб Олин? Мен хонага жойлашиб, ювиниб олмокчиман. Балки кўзгуда Кевин О'Моллининг арвоҳини кўрарман? Майк ўрнидан турмокчи бўлди, аммо Олин кўлини кўтариб уни тўхтатди.

—Сизни ёлгончи демокчимасман, жаноб Энслин. Арвоҳлар уларга ишонмайдиган одамларга қам кўринади. Балки Южин Рилсби сизнинг ёнингиздан ўтгандир, аммо сиз кўрмагандирсиз!

Майк ўрнидан турди, сўнг чамадонини олиш учун эгилди.

—Агар шундай бўлса, 1408-хонадан ташвишланмасам ҳам бўлади, шундайми?

—Аксинча,-еътироз билдирди Олин.-Ташвишланишингиз шарт. Чунки 1408-хонада арвоҳ йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам. У ерда нимадир бор, бунга ҳис қилганман, лекин у арвоҳ эмас. Ташландик уйда арвоҳларга ишонмаслигингиз сизга ҳимоя вазифасини ўташи мумкин. Лекин 1408-хонада бу ёрдам бермайди. Ундай қилманг, жаноб Энслин. Айнан шуни сўраш учун, сиздан ўтиниб сўраш учун бугун сизни қутаётгандим.

Майк унинг барча гапларини ҳам эшитар, ҳам эшитмасди. «Диктофонни ўчириб қўйганингизни қара!-у ичида ўзини сўқарди.-Жин урсин! Барибир унинг айтганларини китобимга қиритаман».

Унинг тезрок хонага чиккиси келарди. Нафакат бир тунни ўтказиш учун, балки Олиннинг сўзлари ёдидан кўтарилмай туриб коғозга тушириб кўйиш учун ҳам.

—Келинг, ичамиз, жаноб Энслин.

—Йўк, мен...

Жаноб Олин кўлини чўнтагига суқди ва мис пластина билан халкача ёрдамида бириктирилган калитни олди. Пластинага 1408 раками ўйиб ёзилганди.

—Мархамат,-деди Олин.-Менга ўн дакика вақтингизни ажратинг, бир стакандан виски ичамиз ва сизга калитни бераман. Сиз карорингиздан кайтишингиз учун хар кандай нарсани беришга тайёрман, аммо фикрингиздан кайтаришга уринишим бехуда кетишига ишонч хосил килдим.

—Хозир ҳам калитдан фойдаланасизларми?-сўради Майк.-Ажойиб.

—«Делфин»даги хоналар 1979 йилда магнит кулфлар билан жихозланган. Ўша йили мен бошқарувчи этиб тайинланганман. 1408 эса эшиги оддий калит билан очиладиган ягона хона. Унга магнит кулф ўрнатишнинг хожати йўк, барибир доим бўш бўлади. Охириги марта бу хонага 1978 йилда одам кўйилган.

—Ахмок килманг!-Майк жойига ўтирди, яна диктофонни кўлига олди. Ёзув тугмасини босди ва деди: «Мехмонхона бошқарувчисининг айтишича, 1408-хонага одам кирмаганига йигирма йилдан ошибди».

—1408-хона эшигига магнитли кулф ўрнатилмаган, чунки имоним комил, кўйилганда ҳам у ишламаган бўларди. 1408-хонада электрон соатлар ишламайди. Айримлари орқада колади, айримлари тўхтаб колади. Бу хонада аник вақтни ҳеч ким билмайди. Калкулятор ва уяли телефонлар ҳам шундай. Агар машинангизнинг бошқарув пулти бўлса, уни ўчириб кўйишингизни маслаҳат бераман, чунки 1408-хонада у исталган вақтда ишлаб кетиши мумкин. Агарда уни ўчириб кўйсангиз, кайтиб ишламай колади. Энг яхшиси, батареякаларини чиқариб кўйинг.-У диктофонни ўчириш тугмасини босди.-Аслида, жаноб Энслин, ноҳушликлардан кутулишнинг энг яхши йўли-бу хонадан узокрок юриш. —Иложим йўк,-Майк диктофонни кўлига олди, сўнг чўнтагига солди,-аммо виски ичишга вақтим бор.

Олин шиша олар экан, Майк ундан 1978 йилдан бери 1408-хонага одам кирмаган бўлса, замонавий технологиялар асосида яратилган электрон буюмлар бу хонада ишламаслиги унга каердан маълумлигини сўради.

—Мен 1978 йилдан бери бу хонага одам кирмаган демадим,-жавоб кайтарди

Олин.-Биринчидан, бу хона енгил тозаланади. Бу эса...

Тўрт ойдан бери «Арвохли хонаси бор мехмонхоналар» китоби устида ишлаётган Майк «енгил тозалаш» нимани англатишини биларди. Бу куйидагиларни англатарди: деразалар очилади, чанглар артилади, сочиклар алмаштирилади. Ётокхона жихозларига тегилмайди.

Иккита стакан ушлаб олган Олин Майк томон келаркан, худди унинг фикрини уккандек деди:

—кўрпа-тўшак жилдлари бугун алмаштирилган, жаноб Энслин.

—Мени Майк деб чакиришингиз мумкин.

—Менга шуниси кулайроқ. Сиз учун.

—Сиз учун,-Майк стаканини Олиннинг кўлидаги стакан билан чўкиштириш учун кўлини кўтарди, аммо у кўлини тортиб олди.

—Йўк, сиз учун, жаноб Энслин. Бунни талаб киламан. Бугун факат сиз учун ичамиз.

Майк уф тортди, сўнг стаканини чўкиштирди.

—Мен учун. Сиз дахшатли филмларда рол ўйнасангиз бўларкан.

Олин ўтирди.

—Худога шукр, бундай филмда рол ўйнамайман. 1408-хона гайритабиий ходисалар юз берадиган жойлар рўйхати киритилган бирорта хам сайтда йўк...

«Менинг китобим чикканидан сўнг бу тубдан ўзгаради», ўйлади Майк.

—...ва арвохлар жойлашган меҳмонхоналар рўйхати берилган сайёхлик китобларида хам «Делфин» меҳмонхонаси кайд этилмаган. Аммо «Шерри-Нидерленд», «Плаза», «Парк-Лейн» меҳмонхоналари бор. Биз 1408-хона хакида иложи борича ҳеч ким билмаслиги учун ҳаракат киламиз... аммо барибир кимдир билиб қолади.

Майк илжайди.

—Вероника кўрпа-тўшакларни янгиледи,-гапида давом этди Олин.-Мен унга қараб турдим. Вероника ва унинг синглиси «Делфин» меҳмонхонасига 1971 ёки 72 йилда келишган. Ви, биз уни шундай қакирамиз, «Делфин»нинг энг ёши улуг хизматчиси, унинг иш стажи меникидан кўпроқ. Опа-сингиллар 1992 йилгача 1408-хонани тозалашган. Вероника ва Селеста эгизаклар эдилар ва улар ўртасидаги ички боғлиқлик опа-сингилни хавфдан сақлаб қолган. Барибир уларга хонанинг таъсири бўлган.

—Верониканинг синглиси шу хонада ўлган демассиз, хойнахой?

—Албатта, йўк. У соғлиги ёмонлашгани учун 1988 йилда ишдан кетган. Менимча, унинг соғлигига хонанинг таъсири бўлган.

—Айтган гапларингизга ишонмайман, жаноб Олин.

Олин кулди.

—Арвохлар олами тадқиқотчисисиз-да.

—Бу ўқувчиларим олдидаги бурчим,-деди Майк куруқкина қилиб.

—Мен 1408-хонани бутунлай унутиб юборишим мумкин эди,-деди меҳмонхона менежери.-Ешиқ ёпилади, чироклар ўчирилади, пардалар туширилади... аммо хонанинг хавоси бузилиб, чанг қатлами кундан-кунга кўтарилишини ўйлаб бундай қилмадим. Хуллас, Ви ва Си хонага тезда қириб, йиғиштириб, тезда қайтиб чиқишарди. Си ишдан бўшади, Вининг эса лавозими кўтарилди. Шундан сўнг хонани бошқалар йиғиштирадиган бўлишди ва хонага доим икки киши қирарди... Сиз 1408-хонадаги арвохлар устидан қулишингиз мумкин, лекин ичкарига қиришингиз биланок уларнинг мавжудлигини ҳис қиласиз.

Мен хонани йиғиштиришаётганда доим хизматчиларга қараб турардим,-у бир оз жим бўлиб қолди, сўнг яна давом этди.-Агар бирор дахшатли воқеа юз берса уларни хонадан олиб чиқиб кетиш учун. Худога шукр, ундай воқеа юз бермади. Айримлар кўкқисдан йиғлаб юборар, айримлар қах-қах уриб қулар, айримлар эса ҳушидан кетиб қоларди. Ўтган йиллар давомида мен бошқарув пултлари, уяли телефонлар, соатлар билан кўплаб тажрибалар ўтказдим. Бир аёлнинг кўзлари кўрмай қолганди.

—Нима?

—Ромми ван Гелдер. У телевизорнинг чангини артаётганди. Бирдан чинқира бошлади. Ундан нима бўлганини сўрадим. У латтани ташлаб, қўллари билан кўзларини ушлади ва кўзлари кўрмай қолганини айтди. Мен уни ташқарига олиб чиқдим, лифт олдига етганимиздан кейингина у яна кўра бошлади.

—Буларнинг барини мени кўрқитиш учун айтяпсизми, жаноб Олин? 1408-хонага қирмаслигим учунми?

—Йўк. Сиз хонанинг тарихини бу хонада биринчи бўлиб ўлган одамдан бошлаб биласиз-қу.

Майк биларди. Кевин ОџМолли, тикув машиналарини сотиш билан шугулладиган савдогар 1910 йилнинг 13 октябрида шу хонада ўз жонига касд килганди.

—Беш эркак ва бир аёл хонанинг ягона деразасидан ўзларини пастга ташлашган, жаноб Энслин. Уч аёл ва бир эркак кўп микдорда уйку дори ичиб хаётдан кўз юмган, икки киши каравотда, яна икки киши ваннада, бир эркак хожатхонада ўлик холда топилган. Бир эркак 1970 йилда ўзини кийим жавони ичида осиб ўлдирган...

—Генри Сторкин,-деди Майк.

—Рандолф Хайд билагидаги томирларини кесиб ташлаган. Демокчиманки, жаноб Энслин, агар олтмиш саккиз йил давомида бу хонада ўн икки киши ўз жонига суикасд килгани сизни фикрингиздан кайтара олмаган бўлса, хизматчиларнинг ох-вохлари сизга мутлако таъсир килмайди.

«Ох-вохлар, яхши», ўйлади Майк, ёзаётган китобида бу иборадан фойдаланишни мўлжалларкан.

Майкни хизматчилар ва уларнинг ох-вохлари кизиктирмасди. Тўгри, Олин айтган суикасдлар сони одамни таъсирлантиради. Аммо исбот... Авраам Линколн ва Жон Кеннедиларнинг витсе-президентларининг фамилиялари бир хил-Жонсон бўлган. Линколн ва Кеннеди охири 60 билан тугайдиган йилда президентликка сайланишган. Линколнни «Кеннеди» театрида ўлдиришган, Кеннедини «Линколн» автомобилида ўлдиришган. Хўш, бу тасодифлар нимани исботлайди? Хеч нарса.

—Бу суикасдлар менинг китобимда ўз аксини топади,-деди Майк

—Гапларимга яхшилаб кулок солинг. Вининг синглиси Селеста юрак хуружидан вафот этган.

—Аммо унинг опаси соппа-сог. Ўзингиз-чи, жаноб Олин, бу хонага неча марта киргансиз? Юз мартами? Минг мартами?

—Жудаям киска вақтга кирганман,-деди Олин.-Биласизми, бу худди захарли газ билан тўлдирилган хонага киргандек тарзда бўлади. Бундай хонада нафас олмай турган маъкул. Билдим, ўхшатишим сизга ёкмади. Аммо ишонаверинг, бу зўр ўхшатиш бўлди. У кўлларини иягига тиради.

—Айрим одамлар бу хона таъсирига тезрок ва кучлирок тушишади. «Делфин» очилганига юз йил бўлди ва бу вақт давомида мехмонхона хизматчилари 1408-захарланган хона эканлигига ишонч хосил килиб бўлишган. У ҳақда хеч ким огиз очмайди, хеч ким эсламайди. Ўн тўртинчи кават бошка мехмонхоналардаги каби аслида ўн учинчи кават эканлигини ҳамма билади, лекин хеч ким индамайди. Бу ҳам худди шунга ўхшаш. Агар бу хона хақидаги ҳамма маълумотлар ошкор этилса... ўкувчиларингиз дахшатга тушишади.

Масалан мен Нью-Ёркдаги деярли барча мехмонхоналарда хеч бўлмаса бир марта ўз жонига суикасд бўлганлигига шубха килмайман, аммо факат «Делфин» дагина ўн икки киши битта хонанинг ўзида ўз жонларига касд килишган. 1408-хонада табиий ўлим топганларни айтганим йўк хали.

—Неча киши ўлган?-1408-хонада табиий ўлим топган одамлар ҳам бўлганлиги Майкнинг хаёлига келмаган эди.

—Ўттиз киши,-деди Олин.-Камида ўттиз. Ўттиз кишининг ўлганлигини аниқ биламан.

—Алдаяпсиз!-сўзлар Майкнинг огзидан отилиб чикди.

—Йўк, жаноб Энслин, ишонтириб айтаман, алдаётганим йўк. Ёки сиз бу хонани шунчаки ирим учун бўш ушлаб туришибди деб ўйляяпсизми?

Майк Энслин янги ёзаётган китобида бу фикрни ҳам айтиб ўтиб кетишни

мўлжаллаганди.

—Мехмонхона бизнесида ирим ва анъаналар бор, жаноб Энслин, лекин биз уларнинг ишимизга халакит беришига йўл қўймаймиз. Хона бўшадими, шу захоти унга одам қўямиз. Факат бу коида ўн учинчи каватда жойлашган, эшигидаги ракамларнинг умумий йигиндиси ўн учга тенг бўлган 1408-хонага нисбатан қўлланилмайди.

Олин Майк Энслинга синчков назар ташлади.

—Бу хонада нафакат суикасдлар, балки инсултлар, инфарктлар ва тутканок хуружлари ҳам содир бўлган. Бир киши, бу 1973 йилда содир бўлганди, шўрва куйилган ликопага чўкиб кетган. Сиз бундай нарса бўлиши мумкин эмас дейишингиз мумкин, аммо мен ўша пайтда мехмонхона хавфсизлик хизматида ишлаган ва ўлим хакидаги гувоҳномани ўз кўзи билан кўрган одам билан гаплашганман. Хонадаги гайритабиий куч туш пайтида сал бўшашгандек бўлади. Аммо ўша пайтда хонани йигиштиришга кирган айрим хизматчилар хозирда юрак касаллиги, кандли диабетга дучор бўлишган. Уч йил олдин ўша каватда иситиш тизими ишдан чиккан ва мехмонхонанинг ўша пайтдаги бош мухандиси жаноб Нил хамма хоналарни, шу жумладан 1408-хонани ҳам текшириб чиккан. У ўзини жуда яхши килган, бироқ эртасига миясига кон куйилиб ўлган.

—Тасодиф,-қўл силтади Майк. Лекин ичида Олиннинг махоратига тан берди. Агар у болалар оромгохида етакчи бўлганида борми, кечкурун арвохлар хакида хикоя килганининг эртасигаёк оромгохтаги болаларнинг тўксон фоизи уйига кочиб кетган бўларди.

—Тасодиф,-такрорлади Олин ачиниш охангида. У калитни узатди.-Юрагингиз бакуватми ишкилиб, жаноб Энслин? Кон босимингиз, асабингиз жойидами? Майк калитни олди.

—Шикоятим йўк,-деди Майк.-Ундан ташкари, менинг гавайича омадли қўйлагим бор. Уни бекорга кийиб олмаганман.

Олин Майкни ўн тўртинчи каватгача кузатиб қўймокчи бўлди.

Залда уларни бир эркак тўхтатди ва Олинга бир нечта варақ узатиб, франтсузчалаб нимадир деб пичирлади. Олин хам унга ўша тилда нимадир деди, бош иргади ва барча варақларга имзо чекди. Бардан пианинода «Нью-Ёркда куз» мусикаси ижро этилаётгани эшитилди.

Еркак «мерси» деб ортига кайтди. Олин яна Майкдан чамадонини беришни сўради ва у яна бу таклифни рад этди. Лифтда Майкнинг нигохи уч катор тугмачага кадалди. Хар бир тугмачада ракамлар ёзилган бўлиб, 12 ракамидан кейин 14 раками келарди.

«Ўзларича,-ўйлади Майк,-ўртадаги ракамни олиб ташлашиб, одамларга унинг борлигини эслатмасликка уринишибди. Бемаънилиқ... бироқ Олин барибир хак. Дунёнинг деярли барча мамлакатларидаги мехмонхоналарда шунака».

—Жаноб Олин,-узок жимликни Майкнинг овози бузди.-Бир нарсани сўрамокчиман. Агар 1408-хонадан шунчалик кўрксангиз, нима учун бу хонага аслида хеч ким бўлмаса хам мехмон жойлашганини айтмайсиз? Ёки нега ўз номингизга кайд килдириб қўймайсиз?

—Инсон ҳукукларини химоя килувчи ташкилотлар ва бошка расмий муассасалар вакиллари мени товламачиликда айблаларидан кўркдим. Сизни 1408-хонага жойлашиш фикридан кайтаролмаганимдек, «Стенли корпорейшн» компанияси директорлар кенгашини бу хонада арвох борлиги учун хеч кимни қўймаётганимга ишонтиришим кийин. Майкни жаноб Олиннинг сўнгги гапи хавотирга солди. «У энди мени фикримдан кайтаришга уринмаяпти,-ўйлади у.-Аммо у 1408-хонада кимдир ёки нимадир борлигига ишонади. Шак-шубҳасиз ишонади».



12 раками ёзилган тугмача чирогги ўчди ва 14-тугмача ёнди. Лифт тўхтади. Эшиклар очилиб, кизил тусли гилам тўшалган мехмонхона йўлаги кўринди. Йўлакни ўн тўккизинчи аср услубидаги газли фонарлар ёритиб турарди.

—Етиб келдик,-деди Олин.-Сизнинг каватингиз. Кечирасиз, сиз билан шу ерда хайрлашаман. 1408-хона чап кўлда, йўлак охирида. Зарурият бўлмаса бу хонага якинлашмайман.

Майк Энслин лифт кабинасидан чикди. Унда худди оёқлари огирлашиб кетгандек, 1408-хонага боришни ишташмаётгандек таассурот уйгонди. У ўгирилиб Олинга каради. Олин кўлларини оркасига килганча турарди ва Майк унинг ранги оқариб кетганини кўрди. Кенг, ажинсиз пешонаси эса тер билан копланганди.

—Хонада, табиийки, телефон бор,-деди Олин.-Агар бирор нарса юз берса кўнгирок килишга уриниб кўришингиз мумкин... Аммо телефон хонанинг ўзи хохласагина ишлайди. Майк унга хазил билан жавоб кайтармокчи бўлди, аммо тили хам худди оёқларидек огирлашиб кетганди.

Олин бир кўлини олдинга узатди ва Майк унинг кўли калтираётганини кўрди.

—Жаноб Энслин. Майк. Ундай килманг. Худо хакки...

У шу сўзларни айтиши билан лифт эшиклари ёпилди. Майк мехмонхонанинг жимжит йўлагига бир оз туриб колди. У лифт чакирув тугмасини босмокчи хам бўлди.

Аммо агар тугмани босса, Олин голиб чиқади. Ёзаётган китобининг энг яхши боби ўрни эса бўш қолади.

Майк лифт чакириш ўрнига кўлини кўтарди ва кулогидаги сигаретни ушлаб ўзини хавотирли фикрлардан чалгитди, сўнг эса омад келтирувчи гавайича кўйлагининг ёкасини тўгрилади. У 1408-хона томон кадам ташлади.

Майк Энслиннинг 1408-хонада ўтказган кискагина (етмиш дакика) дамларидан колган ягона нарса диктофонга ёзилган ўн бир дакикалик ёзув бўлди. Диктофон озгина буришиб колган, лекин тасмага зарар етмаган. Энг гаройиби, тасмага деярли ҳеч нарса ёзилмаган, аммо ёзилган нарса эса янада гаройиб.

Диктофонни унга бундан беш йил бурун ажрашиб кетган хотини совга килганди. Майк уни илк сафарига (Канзасдаги Рилсби фермасига) бешта дафтар ва каламларга кўшимча сифатида ўзи билан олиб борганди. Хозир, 1408-хонага эса у бешта тўксон дакикалик кассетага кўшимча сифатида битта дафтар ва калам олиб келганди. Олтинчи кассетани уйдан чиқаётиб диктофонга жойлаштирганди.

кўнглидан кечаётган фикрларни ва ўзи борган жойдаги овозларни акс эттириш диктофонда осонрок эди. У кўплаб сирли маконларга борган, аммо бирорта хам гайритабиий ходисага дуч келмаганди. Ўтган йиллар давомида «Сони» диктофони унинг ажралмас хамрохига айланиб колганди.

1408-хона билан муаммо у хонага кирмасидан бошланди.

Майк эшикка караркан, унинг кийшиклигини кўрди.

Бутун эшик эмас, унинг чап томони сал кийшайганди. Кейин эса эшик худди денгизда кема чайкалгандек олдинга-оркага, ўнгга-чапга ога бошлади. Майкнинг кўнгли агдарилаёзди.

У энгашди (бош айланиши ва кўнгил айланиши шу захоти колди, эшикнинг кийшик кисми тўгриланди), чамадонидан диктофонини олди. Сўнгга ёзув тугмачасини босди ва «Эшик мени бир томонга огиб ўзига хос тарзда кутиб олмокда» дейиш учун огзини очди.

У «эшик» дедию жим бўлди. Майк диктофонни ўчирди. Чунки эшик тўгри бўлиб колганди. Майк ўгирилиб, 1409-хона эшигига каради, кейин нигоҳини яна 1408-хона

эшигига каратди. Иккала эшик хам бир хил турарди. Хеч кандай огиш йўк, тўгри тўртбурчак шаклидаги эшиклар.

Майк яна энгашди, диктофон ушлаб турган кўли билан чамадонини кўтарди, бу кўлидаги калитни эса кулф тиркишига узатди.

Эшик яна кийшайиб колганди.

Бу сафар ўнг томони кийшайганди.

—Бўлиши мумкин эмас,-мингирлади Майк, аммо яна кўнгли оза бошлади. У икки йил илгари Англияга кемада борган ва ўшанда адабини еганди. Бир куни бўрон туриб, кема чайкалганди. Майкнинг эсида, у каютада ётганча кусишга уринган, аммо ичи агдарилгудай ўкчиса-да куса олмаганди. Эшикка, стол ёки стулга караса боши тинмай айланганди...

«Хаммасига Олин айбдор,-ўйлади Майк.-У истаганига эришяпти. Агар хозир мени шу холатда кўрганида роса устимдан кулаётган бўларди».

Ва шу пайт унинг миясига «Олин айни дамда хаммасини кўриб турибди» деган фикр урилди. Майк эшикдан нигохини олиши билан бош айланиши ва кўнгил айниши ўтиб кетганини сезмасдан йўлакка аланглади. Шифтда, лифтнинг чап тарафида у излаган нарсасини кўрди: ички кузатув камераси. Мехмонхона хавфсизлик хизмати ходимларидан бири экран олдида доимий равишда навбатчилик килиб турса керак ва Майкнинг ишончи комил, Олин хозир унинг ёнида турганча худди маймундек тиржайиб унинг ахволини томоша килляпти. «Кайтиб бизга хукукини эслатмайдиган ва адвокатини жўнатмайдиган бўлади», дейди Олин. «Каранг-каранг!-хитоб килади хавфсизлик хизмати ходими хиринглаганча.-Ранги девордек оқариб кетибди, хали эшикни очгани хам йўк. Бопладингиз, босс! Калтирашини каранг».

«Бекорларни айтибсанлар,-ўйлади Майк.-Мен оила аъзолари ўлдирилган Рилсбиларнинг уйида ухлаганман. Сер Девид Смайт хотинларини чўктириб ўлдирган ваннахонада чўмилганман. Болаларни кўркитиш учун айтиладиган чўпчакларга ишонмай кўйганимга анча бўлган. Мени боплаганларинг йўк!»

У эшикка бокди: текис, тўгри тўртбурчак. Нимадир деб мингирлади ва калитни кулф тиркишига солиб буради. Эшик очилди. Майк ичкарига кирди. У девордан чирок тугмасини пайпаслаб топди ва тугмани босди. Шифтга ўрнатилган биллур кандиллардаги чироклар нур сочди. Хона бурчагидаги стол устига ўрнатилган стол чирогои хам ёнди.

Стол дераза олдида ўрнатилган, бу ердан Олтмиш биринчи кўчани томоша килиш... ёки ўзини пастга ташлаш мумкин эди. Агарда шундай истак пайдо бўлса...

Майк чамадонини остона ёнига кўйди, эшикни ёпди ва диктофоннинг ёзув тугмасини босди. Кизил чирокча ёнди.

—Олиннинг айтишича, мен караб турган деразадан олти киши ўзини пастга ташлаган,-гапини бошлади Майк,-аммо бу окшом мен ўзимни «Делфин» мехмонхонасининг ўн тўртинчи, кечирасизлар, ўн учинчи каватидан ташламокчи эмасман. Фикри ожизимча, 1408-хона ярим люкс деб аталадиган хоналар тоифасига киради. Мен турган хонада иккита стул, диван, ёзув столи, телевизор ва минибар бор. Полга тўшалган гилам Олиннинг хонасидаги форс гиламига тенг келолмайди. Деворларга гулгогоз ёпиштирилган. Улар... бир дакика...

Агар тасмани тинглаётган бўлсангиз, шу лахзада чикиллаган товушни эшитасиз: Майк тўхташ тугмасини босади. Умуман олганда, бутун ёзув киска-киска бўлаклардан иборат. Бунинг устига, хар бир бўлакдан кейин овоз оханги ўзгаради. Ёзув бошланишида мухим

иш билан банд бўлган киши гапирган бўлса, кейинги ёзув нима бўлаётганини англамаётган, худди ўзи билан ўзи гаплашаётган одамнинг овозига ўхшайди. Тингловчи ёзувни охиригача эшитаркан, бу гапларни гапирган одам аклдан озмаган бўлса-да, атрофида нималар бўлаётганини идрок килолмаганлигига ишонч хосил килади ва шунинг ўзиёк бир нарсани англатади: 1408-хонада кандайдир гайритабиий воқеа юз берган. Майк диктофонни ўчирган онда девордаги суратларга кўзи тушганди. Деворда жами учта сурат бор эди: йигирманчи йиллар услубида кийинган аёлнинг зинада тургани тасвирланган сурат, тўлкинлар оша сузаётган елканли кема ва сарик-малла ранглардан хосил бўлган натюрморт: олмалар, бананлар, апелсинлар. Суратлар ойна остига олинган бўлиб, хаммаси кийшайиб турарди.

Зинадаги хоним суратининг чап бурчаги ўнг томонига нисбатан камида икки сантиметр пастроқда эди. Йўловчилари баликларни томоша килаётган елканли кема сурати хам худди шу кўринишда эди. Натюрмортнинг эса чап бурчаги ўнг бурчагига нисбатан баландроқда эди. кўнгил айнаш бошланиши учун суратга карашнинг ўзи кифоя эди. Суратлар устидаги ойнани чанг коп-лаганди. У ойналардан бирини бармоги билан артиб кўрди. Чанг кандайдир ёгли, ёпишқоқдек таассурот уйготди. У суратларни тўгрилаб, ортига тисарилди ва уларга бирма-бир караб чиқди: барча суратлар тўгри турарди. У кўзларини юмди, тўрт марта чукур-чукур нафас олиб, бир оз нафасини ушлаб турди ва нафас чикарди. Илгари ҳеч қачон бунақа ходисага дуч келмаганди: на арвохлари билан ном чиқарган кабристонларда ва на кадимий кўргонларда.

«Бу Олиннинг иши. У сени гипноз килган, лекин сен унинг измидан чика олдинг, -деди ичида кандайдир овоз.-Сен бу лаънати хонада бир тунни ўтказишинг шарт. Энг асосийси, Олинга ютказмаслик лозим. Унинг бу хонада ўттиз киши ўлгани хақидаги чўпчаги ёлгон бўлиб чиқиши керак. Шунинг учун нафас ол... чикар».

У нақ бир ярим дақиқа нафас олиб-чикарди ва кўзларини очганида ўзини анча яхши хис килаётганди.

У ёзув тугмасини босди. Кизил чирок ёнди. «Бир дақиқача бошим айланди,-у ёзув столи томон яқинлашди.-Менимча, Олиннинг хонасидаги ичкиликнинг таъсири бўлса керак. Хаво дим. Лекин могор ёки чанг иси келмаяпти. Олин хона шамоллатиб турилишини айтганди, аммо дим».

Ёзув столи устида ичига бир кути гугурт солинган калин шишадан ясалган кулдон турарди. Гугурт кутисига «Делфин» мехмонхонаси тасвири ва мехмонхона эшиги ёнида турган эшикбон сурати туширилганди.

—Гугурт кутиси бу ерга худди 1955 йилдан келиб колганга ўхшайди,-Майк кутини кўйлаги чўнтагига солди.-Уни эсдалик сифатида олиб кўяман. Энди эса хонага тоза хаво киритиш пайти келди.

У диктофонни стол устига кўйди.

—Галаба!-деди Майк.-Галаба! Деразанинг пастки кисми зўрга очилди, юкори кисмини очиш эса осон бўлди. Бешинчи авенюдаги автомобиллар окимининг шовкинини эшитяпман. Каердадир саксофон чалишяпти, менимча, икки квартал наридаги «Плаза» мехмонхонасида бўлса керак. Бу товуш менга акамни эслатяпти.

Майк кизил чирокчага тикилганча жим бўлиб колди. Чирокча уни худди бир нимада айблаётгандек эди. Унинг акаси «тамаки уруши»нинг навбатдаги курбони бўлган. Майк шу захоти енгил тортди. Хўш, нима бўпти?

—Аслида акамни Коннектикут йўлида бўрилар еб кўйишган,-деди у ва хиринглаганча диктофонни ўчирди.

Майк ётоқхона эшиги томон кадам ташлади. У ичкарига кирди ва кўллари билан деворни пайпаслаганча чирок тугмасини кидирди. Чирокни ёкди. Шифтдаги биллур кандилдан таралган нур ётоқхонани ёритди. Икки кишилик каравот устига сарик кўрпажилд тўшалганди.

Майк каравотга якинлашди. Каравотнинг иккала тарафига жавончалар кўйилганди. Улардан бирининг устида кора рангли, ракам терадиган диски катта телефон турарди. Дискнинг бармок тикиладиган тешикчалари унга кўзларни эслатди. Иккинчи жавон устида олхўри солинган идиш бор эди.

кўрпажилд устида таомнома ётарди. Майк каравот четига ўтирди ва таомномани кўлига олди. Таомнома фронтсуз тилида ёзилган бўлса-да, у бу тилни билгани учун таомлардан бири ахлат аралаштирилган товук гўшти эканлигини тушунди.

У кўзларини юмиб очди.

Таомнома фронтсузча ўрнига русча бўлиб колганди.

У кўзларини яна юмиб очди.

Русчанинг ўрнига италянча ёзув турарди.

кўзларини юмиб очди.

Ёзувлар гойиб бўлганди. Энди Майкнинг кўлидаги коғозда оёгига бўри тишларини ботириб турган бола сурати караб турарди.

«Булар йўк нарсалар», ўйлади Майк. Бу сафар унинг кўлида инглиз тилида ёзилган таомнома турарди.

У худди кабрдек тор туюлаётган девор ва каравот оралигидан аста сиргалиб чикди.

Юраги шу даражада кучли урардики, юрагининг хар бир уриши нафакат кўкрак кафасида, балки бўйни ва бўгимларида ҳам сезиларди. кўзлари косасидан чикиб кетгудай холатда эди. 1408-хонада қандайдир гайритабиий нарса бор, аниқ бор. Олин захарли газ хакида гапирганди. Буларнинг бари Олиннинг иши. Хаво айланиб турувчи тиркишлардан хонага газ юборишган. У атрофга аланглади, аммо хаво айланиб турувчи тиркишга кўзи тушмади.

кўзлари кўркувдан катта-катта очилган Майк ётоқхонага назар ташлади. Каравотнинг чап томонида турган жавон устидаги идиш ичидаги олхўриси билан гойиб бўлганди.

Майк ортига ўгирилди ва эшик томон бир кадам ташлаб тўхтаб колди. Деворда сурат осиглик турарди. У ётоқхонага кирганида ҳеч қандай суратга кўзи тушмаганди.

-Бу ердан чиқишим керак,-пичирлади у ва гандираклаганча мехмонхонага чикди. Бирдан у хар кадам ташлаганда чапиллаган товуш чикаётганини, пол эса юмшаб бораётганини сезиб колди.

Девордаги суратлар яна кийшайиб колган, аммо ўзгаришлар факат шулардангина иборат эмасди. Зинадаги аёл кўйлаги этагини кўтариб олганди. У Майкка тикилганча тишларини иржайтириб турарди. Елканли кемада ранглари оқариб кетган эркак ва аёллар тизилишиб туришарди. Суратнинг чап қисмида турган жигарранг костюмли эркак кўлига шляпасини ушлаб олган, юзида дахшат ифодаси котиб колганди. Майк уни таниди: Кевин О'Молли, 1408-хонада ўз жонига қасд қилган энг биринчи инсон. О'Моллининг ёнида шу хонадан нариги дунёга равона бўлган инсонлар туришар, уларнинг ҳам юзлари дахшатдан бужмайиб кетганди. Учинчи суратда эса мевалар ўрнида инсон боши турарди.

Майк хансираганча суратлардан кўзини узди ва ёзув столига якинлашди. Очик деразадан кираётган шабада пардани хилпиратаётганини кўрди, бироқ ҳеч қандай шабадани хис қилмади. Хона худди ичкарига кираётган хавони ютиб юбораётгандек эди.

Бешинчи авенюдаги автомобиллар шовкини унга узок-узоклардан эшитилди.

«Бас кил» демокчи бўлди Майк, лекин у гапириш кобилиятидан махрум бўлганди. Юраги дахшатли тезликда урар, агар яна озгина тезрок урса ёрилиб кетиши аник эди.

Худди узок масофага югураётган спортчи марра охирига етгани сингари Майк огзини катта очганча нафас олиб кафтини кўкрагига босди. Ва кўкрак чўнтагида диктофон турганини хис килди. Ўзига кадрдон буюмни хис килиш уни маълум даражада ўзига келтирди. У нимадир деб мингирлади. Майк боши айланаётганини сезди ва ошкозони худди хозир ташкарига ағдарилиб чикадигандек туюлди.

Аммо у сал бўлса-да ўзига келган, бир нарсани англаб турарди: вақт борлигида бирортасини ёрдамга чакириши шарт. Тиржаяётган Олин, унинг хаво айланиб турувчи тиркишдан газ киритгани хакидаги фикрлар унинг миясини батамом тарк этганди. Хамма гап мана шу хонанинг ўзида.

У гўшакни олиш учун кўлини шахд билан телефонга узатди. Аслида эса кўли худди сув остида сузаётгандек аста-секинлик билан телефон томон чўзилаётганини кузатди. У хаттоки хаво пуфакчаларини кўрмаётганига ажабланди хам.

Бармоклари гўшакни тутди, кўтарди. Иккинчи кўли эса шундай охисталик билан ракамли дискка узатилиб ракам терди. У гўшакни кулогига тутди.

Гўшакдан хириллаган овоз эшитилди: «Бу тўккиз! Тўккиз! Тўккиз! Бу ўн! Ўн! Хамма якинларинг ўлди! Бу олти! Олти!»

Майк овозга дахшат билан кулок солиб турди. Овоз машинага хам, одамга хам тегишли эмасди-бу овоз хонаники эди.

Майкнинг кўлидаги гўшак бармоклари орасидан сиргалиб ерга тушди. Унинг ошкозони гижимлаб огрирди.

У кулогига кистирилган сигаретни кўлига олди, лаблари орасига кистирди, чўнтагидан гугуртни чикарди.

Хона унинг кўз ўнгида эрий бошлади.

Текис бурчак ва чизиклар букила бошлади. Шифтга осилган биллур кандил улкан сўлак томчисига айланди. Суратлар хам эгилиб-букила бошлади. Суратдаги аёл тишларини иржайтирганча зина бўйлаб юкорига югуриб кетди. Телефондан кулокни ёриб юборгудек овоз тинмай эшитилиб турарди: «Беш! Бу беш! Бу хона сени тинч кўймайди! Саккиз!»

Ётоқхона ва йўлакка чикиладиган эшиклар бўйига пасайиб, энига кенгая бошлади.

Хонада сарик-малларанг нур пайдо бўлди. Майк гулкоғозларнинг йиртилиб, огиз шаклига кираётганини кўрди. «Олти!-бўкирарди телефон.-Олти!»

Майк ўйлаб хам ўтирмасдан, у ўйлайдиган холатда эмасди хам, огзини очганча гугурт чўпини кўлига олди, лабидаги сигарет тушиб кетди. Чўпни кути ёнига ишкалади ва дархол кути ичидаги чўпларга туташтирди. «П-ш-шш»-гугурт чўплари аланга олди, бурнига ёнаётган олтингугурт хиди урилди. Ва Майк ўйлаб хам ўтирмасдан ёнаётган кутини кўйлагига тегизди. кўйлак шу захоти «лов» этиб аланга олди. Майк дархол ўзига келди.

Хонада хали хам гайритабиий воқеалар юз бераётганди. Майк худди гор ичида тургандек эди. Пол, девор ва шифт тасаввур килиб бўлмас даражада огаётганди. Сурат осилган девор у томон якинлашиб келарди.

Иягини ялай бошлаган олов тили уни яна ўзига келтирди. Ёнаётган кўйлак тафтини хис килган Майк йўлакка олиб чикадиган эшик томон ташланди. Деворлар зириллади. Майк эшик туткичинини буради, эшик очилди.

Эллигинчи йиллардаги машхур бир кўшиқда севги дунёни ўзгартириши, лекин бунга тасодиф сабаб бўлиши айтилади. Руфус Диаборн, 1414-хонага жой-лашган савдогар «Зингер тикув машиналари» компаниясида ишларди. Нью-Ёркка компания рахбарияти билан музокара олиб бориш учун Техасдан келганди. 1408-хонага жойлашган илк мехмон деразадан ўзини ташлаб жонига касд килган бўлса, тикув машиналарини сотадиган яна бир савдогар арвохлар жойлашган мехмонхоналар хақида китоб ёзаётган ёзувчининг хаётини саклаб колди.

Шуни хам айтиб ўтиш жоиз, Диаборннинг ўзи хам хаммаси кандай юз берганини аник эслолмайди. Унинг айтишича, йўлакка олов ичида колган одам югуриб чиккан. Ундан кейинги воқеалар эса мавхумлик пардасига ўралган. У ўша пайтда хонасига бир пакирча муз кўтариб кайтаётганди.

У бир нарсага амин эди, лекин мухбирларга бу ҳақда индамади, чунки бу ходисага мантикий изох тополмаганди. Олов ичида чинкираётган одамнинг овози борган сари кўтарилиб борар, унга худди олдида одам эмас, балки магнитофон тургандай ва магнитофон овозини кимдир тинмай баландлатаётгандай туюлганди. Бу кандай содир бўлиши мумкинлигини Диаборн асло тушунолмади.

Аммо ўша пайтда у бу ҳақда ўйлаб хам ўтирмади. Кўлидаги муз тўла пакирча билан ёнаётган одам томон ташланди. Бу одам хонасидан югуриб чикиб тўгридаги эшикка урилиб ерга кулаганди. Айни шу дамда Диаборн унинг ёнига етиб келди. Уни тиззаси билан босиб, муз тўла пакирчани унинг устига агдарди.

У муз бўлаклари остида кийими тутаётган кишини чалканчасига ёткизди ва колган-кутган учкунларни ўчиришга тутинди...

Диаборн кутилмаганда бошини кўтарди ва... хозиргина ерда ётган киши чиккан хонадан ажойиб нур таралаётганини кўрди, бу нур уни ўзига чорлади. У ичкарига киришга чоғланди.

Майк хам Диаборннинг хаётини саклаб колди дейиш мумкин. У Диаборннинг ўрнидан тураётганини кўрди, унинг юзида 1408-хонадан таралаётган нур жилваланарди. Майк Диаборннинг шими почасидан ушлади:

—У ёкка кирманг, -пичирлади у.-Кайтиб чикмайсиз.

Диаборн тўхтаб колди, юзлари пуфакчаларга тўлиб кетган кишига тикилди.

—У ерда арвохлар бор, -деди Майк ва 1408-хона эшиги тараклаб ёпилди.

«Зингер тикув машиналари» компаниясининг энг яхши сотувчиларидан бири бўлган Руфус Диаборн лифт томон югурди ва ёнгиндан огохлантирувчи кўнгирок тугмасини босди.

«Куйиш жарохатини даволаш» журналининг ўн олтинчи сониди Майк Энслиннинг фотосурати босилган. Бу сурат Майк «Делфин» мехмонхонасининг 1408-хонасида бўлганидан сўнг ўн олти ой ўтгач чоп этилган. Суратда Майкнинг чап кўкрагидаги ок квадрат шакли тасвирланган. Бу унинг чўнтагида бўлган диктофоннинг изи.

Диктофоннинг бурчаклари эриб кетган, лекин ишлайди ва ичидаги тасма хам бус-бутун сакланиб колган. Майкнинг агенти Сем Фаррелл тасмадаги ёзувларни эшитиб бўлиши билан кўркувдан эти жимирлаганча тасмани сейф ичига солиб кўйган. У ёзувни эшитишни сўраб илтимос килганларнинг барчасига рад жавобини беради.

Ёзувни эшитишдан кўркса-да, Фаррелл Майк уни эшитишини ва янги китобини ёзишда ёзувдан фойдаланишини истайди. Фарреллнинг фикрича, унинг бўлажак китоби Майкнинг олдин ёзган барча китобларини кўшиб хисоблаганда хам адади жихатидан ортда колдириши тайин. У Майкнинг бундан буён арвохлар хақида умуман китоб

ёзмаслиги хакидаги баёнотига ишонмайди.

Майк Энслин хакида эса унинг омади келган дейиш мумкин. Буни унинг ўзи ҳам яхши билади. Агар жаноб Диаборн бўлмаганида у тери кўчириш бўйича тўртта эмас, йигирма-ўттизта оператсияни бошидан ўтказиши мумкин эди. Агар «Делфин» мехмонхонаси сурати туширилган гугурт кутиси бўлмаганида у халок бўлиши аниқ эди. Факат, экспертлар унинг инсулт ёки инфаркт бўлиб ўлганини кайд этишарди.

Сем Фаррелл Майк ёзувчилик фаолиятини тугатганига ишонмайди, лекин бунинг ахамияти йўқ. Майкнинг ўзи ёзувчилик фаолиятини якунлаганига ишончи комил. У кўлига калам ушлолмайдиган бўлиб колган. Баъзан ручка ёки магнитофонга кўзи тушиши биланок «Суратлар кийшайиб колди» деган фикр миясига урилади. Кон босими ҳам тез-тез кўтариладиган бўлиб колган, кўзи ҳам хиралашиб колди, бел огриги безовта килиб туради... аммо яшаса бўлади. Баъзида у кўркинчли туш кўриб уйғониб кетади, бироқ кандай туш кўрганини эслолмайди. Хозирда у Лонг-Айлендда яшайди ва хаво яхши кунлари атрофни айлангани чикади.

У соглиги яхшиланиб кетишига умид билан яшамокда. Аммо у хозирча хонасидаги чирокни ўчирмасдан ухлайди. Уйида телефон аппарати йўқ, чунки гўшакни кўлига олиши билан «Бу тўккиз! Тўккиз! Тўккиз! Бу ўн! Ўн! Хамма якинларинг ўлди!» деган овозни эшитишдан кўркади.

Кун ботаётганда эса эшик ва деразаларидаги барча пардаларни тушириб олади. Чунки у уфкнинг кизараётган рангига токат киллолмайдиган бўлиб колган.

Дилшодбек Аскарлов таржимаси